



Ҳаёт қўшиғи

2

Гулбахор ЙЎЛДОШЕВА:

**Шу Ватаннинг  
бир заррасиман!**



4

**Эртага аттанг  
деманг**



5



8

**Тил суяксиз...  
дил-чи?**

**ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!**



**Қайси куйни чалсам экан-а?**

Машраб НУРИНБОЕВ  
сурат-лавҳаси.

**Шукрона**



## 112 Ёшли аянинг дуоси

Улуғ истиқлолимизнинг 21 йиллик кутлуғ тўйи Избоскан туманида яшайтган 112 ёшли Салимахон ая Нурматова учун кўшалок байрамга айланиб кетди. Президентимиз Фармонига биноан пиру бадавлат онахон «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Ватанимизнинг шарафли мукофотини топшириш маросими тантананага айланиб кетди. Бутун маҳалла аҳли бу файзли хонадонга келиб, табаррук ёшни қаршилаган Салимахон момони кутлади, гуллар тақдим этишиб, кўнгилларидаги самимий дил изҳорларини билдиришди.

Олти нафар фарзанди, 43 набираси, 113 нафар чевараси, 56 нафар эваралари атрофида парвона бўлган Салимахон ая давлатимиз раҳбарини кўрсатилган ушбу эътибор ва эҳтироми учун дуо қилди, юртимизга Яратгандан тинчлик-осойишталик, фаровонлик, халқимизга омонлик, тотувлик тилади.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Андижон вилояти.



**«МАТБУОТ  
ТАРҚАТУВЧИ»**

акциядорлик компанияси —  
обунага кўлакчи

## МУВОЗАНАТ:

## аҳоли сони кўпаяптими, ёки?..

Маълумотларга кўра, жорий йилда Ўзбекистон аҳолиси 29 559,1 минг кишига етган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 435,7 минг кишига кўпайганини кўрсатади.

Албатта, аҳоли сонининг ўсишига факатгина туғилишнинг кўпайиши эмас, балки умр давомийлигининг ошишини ҳам бемалол қайд этиш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистонда ўтган 20 йил давомида оналар, болалар ўлими икки бараварга камайиб, аёлларнинг умри 67 дан 75 ёшгача ошган.

Агар дунё микёсида оладиган бўлсак, шуни алоҳида қайд этиш керакки, демографик вазият хусусида бугунги кунда турли хил фикрлар мавжуд. Бу хусусда ҳар бир давлат ўз мамлакатиди вазиётдан келиб чиққан ҳолда ҳулосаларни баён этади. Масалан, баъзи олимлар Ер юзи аҳолисининг кескин кўпайиб кетаётганини таъкидлашса, баъзи олимлар эса аксинча, ривожланган, ҳатто ривожланаётган давлатларда ҳам туғруқлар сони камайиб бораётганини таъкидлашаётир. Албатта, ҳар иккала фикрда ҳам жон бор. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, аҳоли сони ростдан ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир.

Аксарият халқаро ташкилотлар реурслар етишмовчилиги ҳамда миллионлаб одамларнинг оч қолаётганига сабаб, туғилишнинг кўпайиши, деб айтади. Аммо россиялик олимларнинг фикрича, ҳатто очлик кўпроқ кузатилган Африка қитъасида ҳам аёлларнинг учдан бир, эркекларнинг тўртдан бир қисми семизлик касалигига дучор бўлган. Камерун, Гамбия, Нигерияда эса аҳолининг 35 фоизини бемалол семиз деб аташ мумкин экан. Тўғри, ортикав вазн кам ҳаракатлилиқ, нотўғри овқатланиш қабилидан ҳам келиб чиқади. Аммо нима бўлган тақдирда ҳам бундай инсонлар сони ортаётгани глобал очлик хавфи ҳақидаги фикрларни унчалик ҳам оқламайди.

Агар ўтган асрлар билан солиштирадиган бўлсак, бу тафовутлар яққорроқ намоён бўлади. XVIII асрга қадар фақат бир фоиз инсонлар 65 ёшгача умр кўришган. XIX аср бошларида эса бу

кўрсаткич 4 фоизга кўтарилган. Демографларнинг баҳолашича, айти пайтда Ер юзи аҳолисининг 70 фоизи 65 ёшгача умр кўради, 20–40 фоизи 80 ёш ва ундан юқори умр кўраётир. Шу нуқтаи назардан саноти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ёш таркиби катта ўзгаришларга юз тутуди. Туғилишнинг



камайиши кекса кишилар сонининг кўпайиши ҳамда аҳоли сонининг камайишига олиб келади.

Ғарб мутахассисларининг баҳолашларича, туғилишнинг айти пайтдаги аҳоли сақланиб қолиниса, Европа мамлакатларида 15 ёшгача бўлган болалар сони 2050 йилга бориб 40 фоизга камайиб кетар экан.

БМТ маълумотларига кўра, 60 ва ундан юқори ёшдаги инсонлар 1950 йилда аҳолининг 8,2 фоизини ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 15 фоизга кўтарилиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Дунё аҳолисининг демографик вазиятидаги бундай туб ўзгаришлар БМТ томонидан аҳоли қариши муаммосига нисбатан кекса инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашдаги сиёсат учун лозим

## Нўқтаи назар

бўлган мақсадли курилмаларни ишлаб чиқди. Ушбу тизим инсонпарварлик меъёрлари базасига асосланган бўлиб, кексаларни халқаро ва миллий доираларда қўллаб-қувватлашга хизмат қиладди. Унинг асосий мақсади кекса инсонларнинг жамиятдан узилиб қолмаган ҳолдаги фаолиятини таъминлаш, уларга гамхўрлик қилиш каби омилларни кўзда тутуди.

БМТ маълумотларига кўра, сайёра-миз аҳолиси 1968 йилдан бери икки мартабага, 1987 йилдан бери эса 40 фоизга ошган. Шунингдек, гарчи туғилиш сони дунё микёсида камайган бўлса-да, аммо аҳоли сони ўсиши давом этаётир.

Дарвоқе, аҳоли сони ўсишини инсониятнинг муваффақияти сирасига ҳам киритиш мумкин. Сабаби, одамлар кўпроқ умр кечиришаётир, саломатликлари борасида муаммолар камроқ, қолаверса, болаларнинг яшаб кетиш имкони кўпаймоқда. Аммо ҳамма давлатларда ҳам бу муваффақиятлардан ўз ўрнида фойдаланилмаёпти. Бугунги кунда аҳоли сонининг ста-

биллашуви иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг муҳим шартларидан бири саналади. Бунда эса Қоҳирадаги Халқаро конференцияда аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича қабул қилинган Да-стур муҳим аҳамиятга эга. Унда одамлар репродуктив масалаларда мустақил фикрлаи олиши муҳимлиги, ҳар бир фарзанд суюмли, ҳар бир туғруқ хавфсиз бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Аҳолининг бу борадаги саводхонлиги, уларнинг қарорлари нафақат ўз нуқтаи назари, балки жамият манфаатларига ҳам мос тушиши Ер юзидаги 7 млрд. сонли аҳоли истикрмат қиладиган сайёра-мизнинг янаям гуллаб-яшнашига, экологик жиҳатдан мустаҳкамланишига, иқтисодий ўсишига олиб келади.

Гулруҳ МҶМИНОВА.

## ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Халқ оғзаки ижоди халқимиз тафаккури, дунёқараши, яшаш тарзи ва қадриятларига асосланган ҳолда секин-аста тўпланган меросдир. Оғзаки ижод намуналарида бутун бошли халққа тегишли бўлган орзу-мақсадлар, армонлар, айти пайтда халқ дарди ва кувончи акс этади. Неча асрлардан бери анъана тарзида шаклланиб келаётган халқ достонларидаги ботир ва ватанпарвар қаҳрамонлар йигитларга ўрнак қилиб кўрсатилади. Бундай қаҳрамонлар сирасига Алпомиш ва Гўрўғли, Авазхон ва Равшанхонлар киради. Қиз болалар эса Барчин каби садоқатли, Қалдирғочдек мурувватли, Шохсанамдек буюқ қалбли бўлиши таъкидланади. Инсон болалик хотираларини эслаб қололмайди. Аммо илк бор тинглаган қўшиғи, яъни алланинг оҳанги унинг хотирасида умрбод муҳрлиб қолади. Қачонлардир ўша оҳанг қўлига чалинганда, бир зум болалик дунёсига тушиб қолгандек бўлади.

Болаликнинг энг эзгу тизмларидан бири алладир. Дунёга келиб онасидан алла эшитмаган бола, боласига алла қуйламаган она бормикан? Аллалар ўзи мансуб бўлган халқ руҳияти, тарихи, тафаккур ва яшаш тарзи, шунингдек қадриятларини ҳам қамраб олади. Шунга асосланган ҳолда аллаларнинг тарбия жараёнидаги иштирокини юқори баҳолаш мумкин.

Аллалар гоҳ қувнок, гоҳида мунгли, гоҳ майин, гоҳида эса жарангдор овозда қуйланади. Бу қуйловчи, яъни она-



нинг аҳоли руҳиясидан, кайфияти ва фарзандига муносабатидан келиб чиқади:

Алла айтай, жоним болам,  
Қулоқ солгин, алла.  
Ширин аллам тинглаб аста  
Ухлаб қолгин алла.

Мазкур алла замирида суюкли инсонидан айрилган аёлнинг руҳий ҳолати, айрилиқ изтироблари аниқ-тиниқ ифодаланган. Алла халқ оғзаки ижоди намуналарига хос бўлган тушунарли ва раvon услубда қуйлангани боис онанинг қалб кечинмаларини биринчи тинглашдаёқ тушуниб етиш мумкин. Бу алла ор-

## Қадриятлар

қали она фарзанди унинг учун ягона суюнчиқ, ҳаётининг маъноси эканини ифодалайди.

Севганимдан ёдгоримсан,  
Кўрар кўзим, алла.

Одатда, суйган инсонидан ажралган одамнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кўринади. Унинг учун яшашнинг маъноси йўқолади. Аммо ёридан ажралган бўлса-да, аёл фарзанди учун яшаши керак. Оналикнинг асл матлаби ҳам шунда! Шунинг учун ҳам у фарзандига "кўрар кўзим" деб мурожаат қилади. Бу билан энди дунёни унинг кўзлари орқали кўражагини эслатади.

Аллалар бола руҳиятига осойишта-лик бағишлаши билан бирга, унинг мурғак онгида инсоний фазилатларнинг илк қуртакларини пайдо қилади. Шу боис аллаларга юртсеварлик, ватанпарварлик гоғялари ҳам сингдирилган. Насиҳат йўсинида қуйланадиган бундай аллаларда она қалбининг орзу-умидлари акс этади:

Алла айтай, жоним болам,  
Ором олгин, алла,  
Майли, олим бўлма, аммо  
одам бўлгин, алла.

Шу биргина мисра орқали она фарзандининг "инсон" деган номга муносив бўлиб воёга етишини тилайди. Бу эса шарқ аёлига хос бўлган камёб фазилатдир.

Мадина ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Қарши педагогика  
қоллежи ўқувчиси.

## Жараён

ИККИ КҶН  
ТААССУРОТИ

Кузнинг илк кунларида Олтинсой туманидаги "Хўжайпоқ" маҳалласи раиси Маъруф Мўминов ташаббуси билан нурунийлар, меҳнат факриятларидан 35 нафарининг икки кунлик саёҳати уюштирилди.

Саёҳатчилар катта ўзгаришларга юз тутган Сурхон воҳасини бошдан-адоқ томоша қилиш, вилоятнинг диққатга сазовор жойларини ўз кўзлари билан кўриш, улуг боболар сўнги манзил топган жойларни зиёрат қилиш имконига эга бўлдилар. Маҳалла туман марказидан анча узоқда жойлашган. Унга қарашли бўлган Қатар, Фангат, Чулдира, Хўжайпоқ, Бештахта, Оксуб, Ховуз қишлоқлари тоғлар бағрига сочилиб кетган. Барча қишлоқлардан жам бўлган саёҳатчилар учун икки кунлик саёҳат олам-олам таассуротларга бой бўлди.

— Тамомила янгилаган Термиз шаҳрини, кўхна Аму бўйидаги ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳининг чиройли манзилга айланганини, мустақиллик иншооти — Бойсон тоғларини кесиб ўтган темир йўлни, машхур "Омонхона" сийҳатгоҳида янгидан барпо этилган биноларни кўриб, гапнинг рости, фахрландик, — дейди хўжайпоқлик кекса врач Сирожддин Нормуродов. — Зиёратгоҳларда қалбимиз янада равшан тортиди.

Маҳмуд АБУЛҶАЙЗ,  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Сурхондарё вилояти.

ПОЙДЕВОР  
МУСТАҲКАМ  
БЎЛСА...

Мамлакатимизда изчил равишда амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий ислохотлар замирида оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш борасида ҳам янги сифат даражасига эришилди. Халқимизга хос миллий қадриятлар ва анъаналар замонавий тажрибалар билан уйғунлаштирилган ҳолда янги оила қонунчилиги шакллантирилди.

Оила жамиятнинг асосий бўғини ва ижтимоий таянчи эканлиги ҳаммамизга аён ҳақиқатдир. Сир эмаски, ҳар бир хонадоннинг бахтиёрлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлигини таъминлайди. Оила нафақат инсон наслини давом эттирувчи омил, балки жамият аъзоларини, айтикча, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол гоғси асосида тарбияловчи қутлуғ маскан ҳисобланади.

Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифини ўтайди. Яъни бу муборак гўшада одамларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади. Оиланинг жамият олдидаги асосий вазифаларидан бири — фарзанд кўриш, уни тарбиялаш, таълим бериш ва жамият учун керакли инсон қилиб етиштиришдан иборат. Эркек ва аёл расмий никоҳдан ўтган кундан эътиборан оилага пойдевор қўйилади.

Мазкур "институт"нинг муҳим ижтимоий вазифалари нималардан иборат, деган савол туғилади. Маълумки, инсон шу муқаддас қошонада туғилиб ўсиб, жамият таркибини ташкил этади. Оила муҳим тарбия ўчоғи ҳисобланиши билан бирга, тақдорланмас руҳий муҳит ҳамдир. У қанчалик мустаҳкам бўлса, юрт тинч ва ҳаёт шунчалик фаровон бўлади.

Раҳимжон САПАРОВ,  
Каттакўрғон тумани  
2-сон давлат нотариал  
идораси нотариуси.

2012 — мустақкам оила йили

## ВОДИЙДА ЯГОНА СИҲАТГОХ

## МЕҲР-МУРУВВАТ ОШЁНИ

Оила жамият таркибидаги кичик жамоа сифатида, авлодлар бардавонлигини таъминловчи мўъжаз иқтисодий, ижтимоий-маънавий маскан саналади.

Маълумки, оиланинг иқтисодий, тарбиявий асослари қанчалик мустақкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустақкам ва барқарорликка эришади. Оила тинч ва фаровон бўлса, мамлакат ва унинг фуқаролари бой-бадавлат бўлади. Фарзандлар жисмонан бақувват ва ҳасур бўлиб тарбияланса, мамлакат ўғлонлари ўз она Ватанини ҳар қандай ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимоя қила олади. Ватанпарвар, миллатпарвар ҳамда инсонпарвар бўлиб вояга етган ворисларгина ўзининг оиласи, она юрти, умуман, жумлаи жаҳонни янада гўзаллаштиради. Демак, дунёдаги барча мамлакат ва жамиятларнинг хилма-хил қизиқиши, интилиши, эҳтиёж ва манфаатлари, маънавий-ахлоқий асосини ташкил этувчи оилалар ва улардаги узвий муносабатлар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Оила кўп бўғинли микромуҳитлар мажмуи, унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга, улар шу гўшанинг ички интизомига бўйсунди. Инсон учун муқаддас муҳит ҳисобланмиш — оила уларнинг табиий-иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий муносабатлари замирида вужудга келади. Муайян микромуҳитдаги соғлом турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий муносабатлар муҳим роль ўйнабгина қолмай, унда бошқариш, назорат қилиш, йўналтириш, ҳатто жазолаш каби ахлоқий вазифалар ҳам бажарилади. Ҳар бир оиланинг фаровонлиги, мустақкамлиги, пировард натижада жамиятнинг барқарорлигини таъминлаш ва ҳозирги глобаллашув жараёнидаги мураккаб мафкуравий курашлар шароитида оилага давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ҳамхўрликка ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Оила манфаатларини, айниқса, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор вазифалар ижросини таъминлашда аҳолида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни қарор топтиришни қучайтириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, кишилар соғлигини яхшилаш, билим даражасини ошириш, оила даромадлари, иш билан таъминлаш даражасини ошириш, жойларда оила марказлари томонидан ички муаммоларни илмий ва амалий ўрганиш, оила аъзоларининг иқтисодий, ижтимоий аҳолини кўрсатувчи мониторинг кузатувини янада қучайтириш зарур бўлади.

Нодира ШОЖАЛИЛОВА,

Тошкент давлат юридик институти  
хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси.

## Тадбир

“КИЧКИНТОЙ-ШИРИНТОЙ”  
МУСОБАҚАСИ

“Соғлом авлод учун” ҳалқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги “Қушбеги” спорт комплексида мактабгача таълим муассасаларининг 5-6 ёшли тарбияланувчилари ўртасида “Кичкинтой-ширинтой” спорт мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Яқуний натижаларга кўра фахрли биринчи ўринни Сирғали туманидаги 589-, иккинчи ўринни Яққасарой туманидаги 358-, учинчи ўринни эса Чилонзор туманидаги 284- мактабгача таълим муассасалари кўлга киритишди. Фолиблар ҳамда фаол иштирокчиларга “Соғлом авлод учун” ҳалқаро хайрия жамғармаси томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
“Оила ва жамият” мухбири.

## ИҚБОЛИ КУЛГАН ҲАМШИРА

— Ўттиз йилки, биз Гулбахор Мирзаева билан биргаликда ишлаб келамиз, — дейди тиббиёт маркази абдоминал хирургия бўлими mudiri Абдухалиқ Ҳайитов. — У етук мутахассис сифатида жамоамизда обрў-эътибор топган. Айниқса, жарроҳлик амалиёти чоғида у энг тажрибали ҳамшира сифатида кўмак беради.

Гулбахор Мирзаева Президентимиз Фармониغا биноан Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида “Шухрат” медалига сазовор бўлди. Бутун жамоа аъзолари, ҳамкасабалари, устоз ва шоғирдлари бу тиниб-тинчимас аёлни чин дилдан қутлашди. Уйқусиз тунар, захматли кунлар, умид ва изтироблар билан кечган йиллар, ҳалол меҳнат муносиб тақдирланди.

— Давлатимизнинг шундай юксак эътирофига сазовор бўлганимдан бошим осмонга етди, — дейди биз билан суҳбатда Гулбахор Мирзаева. — Ушбу мукофот нафақат менга, балки жамоамизга, соҳамизга Юртбошимиз томонидан берилган улкан эътибор ва ҳамхўрлигининг ифодаси деб биламан.

Гулбахор Мирзаева бундан 35 йил бурун Термиз тиббиёт билим юртига тугатгач, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлимига ишга келди. Дарахт бир ерда кўкариб, илди этгани каби у ҳам шу ерда ҳалол хизмат қилиб, эътиборга тушди. Бир қарасангиз, ўттиз беш йил киши вояга етулик муддатга ўхшайди. Яна бир қарасангиз... Хуллас, бу давр Гулбахор опа учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтади.

Тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Нурали Хидоев эса шундай ҳикоя қилади:

—Яхши эсламан, ўшанда институтни энди битириб, жарроҳлик бўлимига ишга келган эдим. Мустақил равишда биринчи марта кўрчакни операция қиладиган бўлдим. Амалиёт чоғида менга Гулбахор опа яқиндан ёрдам бериб, у-бу нарсани эслатиб турди. Шунда билганманки, моҳир, зийрак ҳамшира жарроҳнинг ўнг қўли бўлар экан. Мен бу опани ҳақли равишда устозим десам арийди.

“Қандай сифатлари бор кишидан яхши ҳамшира чиқади?”, деган саволимизга опа шундай жавоб берди:

— Агар ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ҳамшира бирин-

Наманган вилоятидаги Парда Турсун қишлоғи ўзининг пурвиқор тоғлари, сўлим, оромжон табиати билан бутун водийда машхур. Бу гўшадаги хонадонларда асосан, майин юнг берувчи ангор эчкилари парваришланади. Қишлоқ аёллари эса ана шу эчкилар юнгидан жемпер, камзул, нимчалар тўқишади. Бу махсулотлар сифатли, бежиримлиги билан нафақат юртимизда, балки хорижий юртларда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Қишлоқ номини узоқ-узоқларга таратган яна бир жиҳати — бу ерда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли сил касаллиги билан оғриган беморлар реабилитациясига ихтисослашган санаторийнинг фаолият кўрсатётганидир.

— Сихатгоҳимиз очилганига яқинда қирқ йил тўлади, — дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Орифжон Жумаев. — Санаторий 300 ўринга мўлжалланган. Учта даволаш бўлими, тахшиш маркази, муҳташам маданият саройи, кутубхона даволанувчилар хизматида. Асосий даволаш усулимиз — массафо тоғ ҳавоси, даволаш физкультураси ва меҳнат терапияси.

Дам олувчилар даволаниш, бегубор тоғ ҳавосидан, табиат гўзаллиқларидан баҳра олиш билан бирга ён-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида, белгиланган вақтларда — бир-икки соатдан ошмаган ҳолда иштирок этадилар. Шу мавсумнинг ўзида оз эмас, минг тўпдан зиёд мевали манзарали дарахт кўчатлари ўтказдик. Икки гектар жойда гулзор яратдик. Минг тўпдан зиёд терак эдик. Мўъжазгина “Хотира хиёбони” барпо этилиб, сихатгоҳимиз равақига муносиб ҳисса қўшган Жавлон Қўчқоров, Воҳид Тошбоев, Ҳасан Зокиров, Салим Каримовев сингари аjoyиб инсонлар номини ёзиб қўйдик.

Санаторийнинг ҳар икки

ёқаси турфа гулларга бурканган йўлаклари бўйлаб борарканмиз, ён-атрофдаги мевасини кўтаролмай ётган адоқсиз боғлар эътиборимизни тортади.

— Яхшидан фоғ қолар экан, — дейди шифокоримизни уққандек Орифжон. — Кўриб

тиббий ҳамширалар даволанувчилар хизматида. Уларнинг ҳар бири ҳақида илиқ фикрларни айтиш мумкин. Тажрибали шифокорлардан Ливизия Назарова ўттиз йилдан ошибдики, қўли энгиллиги, ширин сўзлиги билан даволанувчилар меҳрини қозонган. Ёки бўлим mudiri Самижон Имомов, тажрибали шифокорлардан Дилдора Узганова, Эъзозбек Рўзиматов, Кескирбек Шерматов, Мақсудали Нуралиевлар ҳақида ҳам шундай самимий фикрларни айтиш мумкин. Оқила Жўраева, Сафия Норматова, Вазира Мамажоновна, Феруза Рўзиматова, Муҳаррам Мирзаахмедова, Мўътабар Унарова сингари ҳамширалар эса ўз билими, дилкаш ва меҳрибонлиги билан танилган.

— Сихатгоҳимизда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди суҳбат орасида Орифжон Жумаев. — Очиғи, асосий биноларимиз, ётоқхоналаримиз мукамал таъмирга муҳтожлиги учун кўплаб беморларни қабул қилиб олишга имконимиз бўлмапти. Тиббий асбоб-ускуналаримиз ҳам бирмунча эскириб қолган. Бизга қишда ҳам одамлар кўп келади. Боиси, кишимиз фусункор. Бу пайтда тоғлар янада чиройли, жозибали бўлиб кетади. Лекин табиий газ биз томонга етиб келмаганлиги учун ҳамма биноларни ҳам иситолмаймиз. Шунинг учун беморларни чекланган микдорда қабул қилишга мажбур бўламиз. Бу каби жиддий масалаларни ижобий ҳал этишда вазирлик мутоасаддилари, ҳомий ташкилотлар амалий ёрдам беришса айна муддао бўларди.

Кузнинг салқин шабадаси эса бошлади. Пойтахтга қайтаётганимизда катта йўл устида бошқа бир вилоятдан келган машина хайдоқсини бекатда “Парда Турсунга дам олгани келаётгудек, узоқми ҳали, қандай борас бўлади?” деб сўраётганини эшитдик...

Али ЗИЁД.

## Қутлуғ бўлсин

Гулбахор опа операция жараёнларига қанча шошилиб бориб, ҳориб-чарчасида, лекин бир инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинишида ўзининг ҳам жиндеккина кўмаги текканини сезса, шунчалик енгил ҳис қилар экан.

— Оилада тўрт ўғил, тўрт қиз эдик, — дея ўтган йилларни хотирлайди Гулбахор Мирзаева. — Отам ҳўжаликда раҳбар эди. Лекин биз отамизнинг эркатой болалари эмас эдик. У киши бизларни болаликдан меҳнатга ўргатди. Вояга етгач, билдикки, ўша қаттиққўллик керак экан.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими катта ҳамшираси Гулбахор Мирзаеванинг одамларга яхшилиги кўп ўтган. У Сурхондарёнинг қайси бир гўшасига бормасин, “Опажон, умрингиздан барака топинг, мени бошимда парвона бўлгансиз, минг раҳмат сизга!” деган илтифотли сўзларни айтадиган одамлар кўп.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,  
“Оила ва жамият” мухбири,  
Сурхондарё вилояти.



— Гулбахор опа, юксак мукофот муборак бўлсин!

— Ташаккур.

— Биласиз, актёрлик, санъатга дахлдорлик кишига ҳамиша катта масъулият юклайди. Демак, сизнинг ҳам кўп йиллик ижодий хизматларингиз муносиб баҳоланди.

— Бу шарафли унвон шахсан менга ёки қадрдон театримиз жамоасига берилди, деб ҳисобласам, албатта нотўғри бўлади. Чунки маданият, бевосита театр санъати жуда катта даргоҳ. Шунинг учун, ўйлайманки, Юртбошимиз томонидан кўрсатилган бу эътибор айнан шу соҳага тақдирини боғлаган фидойи инсонлар меҳнатини қадрлаш билан баробардир. Демак, энди бизнинг зиммасизга янада улканроқ вазифалар қўйилди, истиклол даври руҳини ўзида акс эттирувчи асарлар, образларни учун кўпроқ изланишимиз керак.

— Саҳнага ҳеч ким осмондан тушмайди. Албатта театрининг йўриғи бошқа. Нега десангиз, кўшиқчилик бўлса экан, уч-тўртта нарсани тўтиқушдай ёдлаб олиб, бировга тақлид қилиб, бир юмалаб хонанда бўлиб танилиш бошқа, лекин чинакам актёр сифатида эл олдига чиқиш бошқа, тўғрими? Шахсан сизнинг бу соҳага кириб келишингиз қандай кечган?

— Онамнинг айтишларича, мен туғилганимда бошқа чақалоқлар сингари йиғламасдан, жимгина худди рақосалардай, қўлмайсиз энди, қўлларини у ёқдан буюққа ҳаракатлантириб ётган эканман. Эсимда, болалик пайтларимда эфир орқали қандай кўшиқ берилса, дарров ўрнимдан туриб рақсга тушиб кетардим.

Асли Чирчиқда туғилиб ўсганим учунми, мактабда ўқиб юрган кезларим пойтахтимиздаги машҳур театрларда қанақа спектакль премьераси бўлса, албатта оила-аъзоларим ва синфдошларимни бошлаб келардим. Ушанда Худойим кўнглимга солган эканми ёки онамнинг розиликлари туртки бўлдики, мактабни битирган, аввалги Театр ва расмчилик (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтининг актёрлик ва драма йўналиши бўйича хужжатларимни топширдим. Энг қизиғи, бошида отам ва бувим иккиси қиз болага артистлик ярашмайди, дейишиб, анча қаршилиқ қилишган. Шундаям онам адл туриб, "Насиб этса, менинг қизимдан зўр актёр чиқади", деб уларни кўндирган...

— Актёрлик касбини танлаган қайси бир йигит-қиз борки, ҳаммаси имкони бўлса Ўзбек миллий академик театрида ишлашни орзу қилади. Ният яхши-ю, лекин бундай номдор даргоҳ остонасидан ҳатлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Сизда ҳам шундай орзу бўлганми?

— Талабалик давримизда дарсдан кейин театрларга спектакллар намойишларига бори-

Хаётнинг ўзи саҳнага ўхшайди. Унда фақат ролларни тақсимлаш мушкул. Ҳар ким Яратган ўзига қандай тақдирни раво кўрган бўлса, ана шу умрни яшаб ўтади. Бир одам иккинчи бир одамнинг тақдир йўлларида юриши нихоятда оғир ва бу мумкин бўлмаган ҳолат.

Шу маънода Ўзбек давлат драма театри актёри Гулбахор Йўлдошева томонидан яратилган ўнлаб ролларни кўрган, кузатган томошабин бу ижодкорнинг қалби ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам баб-баравар ёниб турганига гувоҳ бўлди. Айниқса унинг телеэкран орқали муваффақиятли намойиш этилган "Туташ тақдирлар" сериалидаги ўзига хос тарзда яратган образи — қайнона Жамила опа ролни кўпчиликам манзур бўлди десак муболага қилмаймиз. Яна бир эътиборли жиҳати, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра, мухлислар эътиборини қозонган актриса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлди.

Гулбахор Йўлдошева:

## ШУ ВАТАННИНГ БИР ЗАРРАСИМАН!



шимиз мажбурий эди. Негаки, нукул консепт тўлдириш билан иш битмасди-да. Эртаси кунни домламиз албатта кўриб келган асар таҳлили бўйича савол-жавоб қиларди. Уша йиллари ҳам бизнинг аксариятимиз ихтиёрли равишда Баҳодир Йўлдошев режиссёрлигида яратилган спектаклларни томоша қилмоқни сира қанда қилмасдик. Энг қизиғи, у маҳаллари театрлар ўртасида рақобат нихоятда кучли эди, аммо барибир сиз айтганингиздек, талаба ёшларни миллий театр ўзига оҳанрабодек тортарди.

Халигача эсимдан чиқмайди, ҳамма қатори мен ҳам институти тугатганимдан кейин, ўзимча "Ҳамза"да ишлашни орзу қилганману, бироқ бу ҳақда ҳеч кимга гапирмаганман. Битирув— диплом ҳимоямизни кўриш учун Баҳодир Йўлдошев бошчилигида бир гуруҳ бадий кенгаш аъзолари институтга келишган. Мен ўз ҳимоя ишига Островскийнинг "Момақалди" асаридаги Катрина образини тайёрлаб ижро этдим. Бахтимни қарангки, кенгаш ахли бу ижромни аълога баҳолаб, машҳур театр-га ишга тақлиф қилишди.

Хуллас, миллий театрда 1979 йили иш бошлаган бўлсам, саккиз йил шу ажойиб жамоада ижод қилдим. Муболагасиз айтишим керакки, бу даргоҳ мен учун жуда улкан мактаб вазифасини ўтади. Айниқса устозларимдан бир умр миннатдорман. Кейинчалик Ўзбек давлат драма театрида ижодий фаолиятимни давом эттирдим.

— Шу ўринда миллий сериаллардан бири сифатида эътироф этилаётган "Туташ тақдирлар"даги ролингиз хусусида батафсил тўхталсангиз.

— Ушбу сериал режиссёри Замира Бегимқулова мени бу ролга тақлиф қилганида, аввалга сценарийни обдон ўқиб чикдим. Ишонасизми, асар қаҳрамонларидан бири бўлган

инжиқ қайнонанинг келинига қарата оғзидан чиқаётган сўкишларини ўқиб, тўғриси, капалагим учиб кетди. Ахир ҳар қандай ўзбек оиласида бундай бемаъни сўзларни ишлатиш ўта маданиятсизлик белгиси бўлганлиги учун саҳнада, томошабин кўзи ўнгига бундай мураккаб ролни ижро этишим оғир кечиди. Охири режиссёр билан маслаҳатлашиб, айрим кўпол сўзларни сал юмшоқроғига алмаштирдик.

Мен ижро этган қаҳрамон Жамила опа салбий-ижобий образ бўлиб, бу аёл икки ўғлини ёлғиз ўзи, ҳам ота, ҳам она ўрнида катта қилган. Ҳаётда бошидан жуда кўп оғир синовларни ўтказгани боис, бироқ инжиқроқ бўлиб қолган. Лекин, унинг кўнгли тоза, ҳамма оналар сингари ўз болаларининг бахтли бўлишини чин дилдан истайдди.

Ҳозир қаерга борсам, аёллар, қайноналар "Гулбахор, шу ролингиз жуда ҳаётини чиққанда, орамизда ана шундай келинлар ҳам, қайноналар ҳам бор. Бироқ шу сериал баҳонасида ўзимизга керакли хулосаларни ҳам чиқариб олдик, раҳмат сизга", дейишади. Одамларга, айниқса, хотин-қизларга маълум маънода ижобий таъсир кўрсата олганимдан хурсанд бўлдим.

— Дубляждаги фаолиятингиздан кўнглингиз тўладими?

— Маълумки, дубляж, бу — алоҳида санъат. Микрофон актёрнинг нутқидаги камчиликларини очик кўрсатиб беради, бевосита тилимизни чарқайди. 1980 йилларда "Ўзбекфильм"га қатнардим. Уша маҳаллари дубляждаги илқ устозим Камолиддин Усмонов менга бош қаҳрамонларнинг ролини ишониб топшира бошлади. Биласизми, бу мураккаб жараён актёрни пиштади, айниқса, тил маданиятига бўлган эътиборни шақлантиради. Йўл

қўйган нуқсонларингизни тузатиб борасиз. Бу соҳадаги изланишларимдан кўнглим тўлади, десам хато бўлади. Бундай қарорга келсам борми, шу кундан эътиборан менинг дубляждаги ишим тўхтади. Шунинг учун бугунги кунда иқтидорли режиссёр Шомаҳмуд Шорасулов билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилаяпмиз. Билмасам, баҳонани мухлислардан сўранг.

— Гулбахор опа, ижодий фаолиятингизга 33 йил бўлибди. Албатта, умрни оқар дарёга қиёслашда ҳам ҳикмат бор. Шундай экан, эл суйган иқтидорли актриса сифатида босиб ўтилган ҳаёт йўлларингизни таҳлил қилганда... "розиман" деган сўзни айта оласизми?

— Нега айта олмас эканман, керак бўлса "мингдан минг" дея баралла айтишга арзили умрни яшаб ўтаяман. Ижодкор ҳеч қачон оёқни узатиб дам, ором нималигини билмайди. Унинг тақдирига ана шу қисмат битилган. Мен ҳам шу тоифага ўзимни оғина дахлдор деб билганим, камтарингина ижодий орқали одамлар кўнглидан жой ологаним учун ота-онам, барча устозларим олдида ўзимни қарздор деб биланам ва бошим ерга текунича таъзим қиламан. Мен ҳам бошқалар қатори шу Ватанимнинг бир парчасиман, заррасиман холос.

— Оддий бир савол: нимадан чўчийсиз?

— Ишсиз, уйда ўтириб қолишдан кўркаман!

— Сизни саҳна ёки телеэкран орқали талқин этган ролингиз тузфайли яхши кўриб қолган, ижодингизни ҳурмат қилувчи инсонларга тилакларингиз?

— Халқимизнинг суякли шоираси Зулфияхонимнинг шундай сатрлари бор:

Хали кўп олдимида

ўтмаган бурчим,

Ўтайман кўзимда

тирик турса нур.

Умримдаги барча

фасллар учун,

Ўзига бек халқим

сенга ташаккур!

Биз — санъат ахли ҳаётни севувчи, ижодни қадрловчи, тафаккур дунёси кенг, дидли ва ўз наватиди талабчан мухлисларни соғинамиз, ҳурмат қиламиз. Боиси, агар шундайлар бўлмаса, бизнинг яратган образ ва ролларимиз ўзининг холисона баҳосини олиши мушкул. Шундай экан, менинг самимий ниятим шу: улуг халқ, келажак буюк давлат, бетакорр Ватанга хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик! Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ суҳбатлашди.



**ГАЛАДОН** — биз одатда стол, жавон ва шу кабиларнинг нараса солиб қўйиладиган тортмасини "ғаладон" деб атаймиз. Баъзан пул ёки майда буюмлар сақлаш учун хизмат қиладиган қутичани ҳам шу сўз билан ифодалаймиз.

"Ғаладон" сўзининг туб илдизи аслида "ғалла идиши", "дон сақланадиган жой" деган маъноларни англатган.

**Тўхта охун ошона эшигининг чап биқинидаги сўрида, каттакон ғаладон ёнида ўтирарди.**

Мирзакалон  
Исмоилий

**Ғаладонни ҳисоблаб кўрсам, олти танга бир мири бўпти.**

Фафур Фулом

**Катта, ғаладонли столда ўша эски сиёҳдон.**

Асқад Мухтор

**ҒАЛАТИ** — одатда, биз ажабланишли нарсаларга нисбатан "ғалати" сўзини қўллаймиз. "Ғалати одам", "ғалати воқеа", "ғалати феъли бор" каби ибораларни тез-тез ишлатамиз. Ҳўш, бу сўзнинг туб илдизи қандай мазмунни ифодалаб келган.

**Тўғри бўлса, мен ҳам ўйнаб-қуламан, Ғалат бўлса, ўн тўрт кунда келаман.**

"Гулихиромон"  
достонидан

**ГИЖЖАК** — камонча билан чалинадиган торли мусиқа асбоби тилимизда шу сўз билан ифодаланади. "Ғижжак" сўзи асли "ғиж" товушига тақлиддан пайдо бўлган.

**Ичкаридан най ва ғижжак овози баралла келиб турар эди.**

Ғайратий

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

Фильм воқеалари шаҳзоданинг кўзларидан ёш томчилари оқиши, оёғи остида тунаётган қалдирғоч билан самимий, хис-ҳаяжонга тўла суҳбати билан бошланади. Шаҳзода қалдирғочга ҳаёт пайтида кўз ёши нималигини билмаганини, қирол саройида бекаму кўст яшаб, ўйнаб-кулиб юргани учун уни "Бахтли шаҳзода" деб аташганини ҳикоя қилади. "Энди эса шу тепаликда ўз халқимнинг қайғу-аламига гувоҳ бўлиб, кўз ёшларини тўхтата олмаяман" дейди у.

Шаҳзоданинг илтимосига кўра, қалдирғоч унинг "бисоти"даги бойликларини муҳтобларга улашади. Айрилиқ муддати етиб келганда эса оққўнгил қалдирғоч икки кўздан ажралган дўстини ташлаб кетолмайди. У ҳаётини ҳавф остига қолдирсада, шаҳзоданинг ёнида қолади. Мультфильм фожеа билан тугайди. Ўзгалар дардига малҳам бўлиш учун қалайи юрагидан воз кечган шаҳзода ва дўсти қалдирғочнинг ҳалокатини кўриб жуда қаттиқ таъсирланганим, ўшанда.

Бугунги кунда "болалар" кетган кўп серияли хорижий мультфильмларни кўриб, 10-15 дақиқалик бўлса-да, бола руҳияти ва соғлиғига ижобий таъсир кўрсатувчи юкорида тилга олинган фильмнинг даражаси нақадар юқорилигига амин бўласан, киши.

**Маҳфуза ДАДАНОВА, руҳшунос**

— Шубҳасиз, хорижий мультфильмлардаги бешафқат жанрлар, қаҳрамонлар ўртасидаги маънисиз диалоглар, ошқора сеvgи ихзорлари-ю, бей-хшов хатти-ҳаракатларнинг мурғаб болаларимиз тарбиясига салбий таъсири катта. Бундай фильмларга муккасидан кетган аксар болакайлар тўпори, уришқоқ бўлишлари билан бирга ҳар қандай мақсадга айёрлик, макр-хйла билан эришиш мумкин, деб ҳисоблашади.

Кўпгина мультфильмларда аёл образларидаги қаҳрамонлар жуда тор, қад-қоматини бўрттириб кўрсатувчи либосларда намоеён бўлишади. Табиийки, уларни кўрган аксарият қизчалар ҳам айнан шундай кийимлар кийишга интилишади. Экранда катталарнинг интин масалаларда очик-ойдин суҳбатлашишлари бола онгига ёмон таъсир қилади. Уларда ҳам беихтиёр шу мавзуда суҳбатлашишга майл уйғонади. Шундай экан, айрим ота-оналар фарзандларига юзта хорижий мультфильмни ўзида жамлаган дискларни харид қилишдан аввал бу ҳақда чуқур муло-

**Болалигимда инглиз ёзувчиси Оскар Уайльднинг "Бахтли шаҳзода" ҳикояси асосида суратга олинган мультфильмни мириқиб томоша қилардим. Унда асосий қаҳрамон шаҳар майдонида ўрнатилган ҳайкал, кўзлари қимматбаҳо тошлардан, танаси эса олтин барглardan ясалган. Кузнинг охирларида совуқ тушиб, шаҳарни туман қоплаган кезларда бир гала қалдирғочлар иссиқ мамлакатларга учиб кетаётиб, шаҳар майдонида кўнадилар. Бир неча куш ҳайкал атрофини эгаллайди.**

# ЭРТАГА АТТАНГ ДЕМАНГ

**ёхуд болаларимиз қандай мультфильмларни кўришяпти?**



ҳаза қилишлари лозим эмасми?

Бугунги кунда хатто ёши катталар ҳам жангари жанрида ишланган, икки қарама-қарши гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига қақшатқич уруш очишлари, ур-йикти, отишмалар, бомба портлашлари... каби воқеаларга лиқ тўла сахналарни кўриб "Бир пайтлари биз кўрган мультфильмлар беозор, содда, самимий, беғубор бўларди", дейишаётганлари жуда тўғри. Ҳақиқатан ҳам "Винни Пух", "Сеними, шошмай тур!", "Карлсон" каби мультфильмларни ким ёқтирмайди дейсиз? Айрим дилга яқин мультфильмларни ҳозиргача болажонлар қатори катталар ҳам севиб томоша қилишади.

Телеэкранларимизда анчандан буён намоиш этиб келинаётган "Зумрад ва Қиммат", "Ур тўқмоқ" каби ўзбек халқ эртаклари асосида суратга олинган мультфильмларда эзуликнинг ёвузлиқ устидан галабаси тасвирланади. Бундай асарлар жажжиларда ҳалоллик, ўзаро ҳурмат, меҳнатсеварлик фазилатларини уйғотади.

Шу ўринда айниқса, мустақиллик йилларида ўзбек мультпликацияси бутунлай янги қиёфа касб этди, десак хато бўлмайди. Айтайлик, "Сумалак ва минг тилак" мультфильми болажонлар эътиборини миллий урф-одатларимиз, ўзбекона таомларимизга қаратади. Уни кўриб, инсончин дилдан самимий ният қилса ва интилса, албатта, ўз тилига эришади, деган қатъий хулосага келасиз.

Машҳур эпосимиз "Алпомиш" достони асосида ишланган мультфильм ҳам тарбиявий жиҳатдан анча эътиборга молик. Фильм Ҳакимбек ва Ойбарчинларнинг дунёга келган кунидан, етти ёшга тўлганда ўтказилган полвонлар кўрашларидан ҳикоя қилувчи воқеалар билан бошланади. Фильм давомида Алпомиш

Бойсун элини сарсон-саргардонликдан, куллик ва хўрликдан қутқариб қолади. Баҳодирнинг тенгсиз жасорати ёш томошаларда ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириши билан бирга, севи-

ли қаҳрамонидек мард, жасур ва бақувват бўлиш учун уларда спортга қизиқиш уйғонади.

Самимий кулгига бой ҳамда кўпгина одамлилик фазилатлари улугланган мультфильмларимиз ҳам болажонлар меҳрини қозонмоқда. Айниқса таниқли комик актёр Мирза Холмедов томонидан маромига етказиб овоз берилган "Зокир билан Бакир" асарига ким ўзарлик "қасали"га йўлиққан икки кўшни ҳақидаги воқеалар жуда қизиқарли гавдалантирилган. Манманликка, кибру-ҳавога берилишнинг аянчли оқибатлари

**Кўпгина мультфильмларда аёл образларидаги қаҳрамонлар жуда тор, қад-қоматини бўрттириб кўрсатувчи либосларда намоеён бўлишади. Табиийки, уларни кўрган аксарият қизчалар ҳам айнан шундай кийимлар кийишга интилишади.**

**Тарбия сабоқлари**

юмор тарзида ёш томошаларга енгил етказиб берилади. Бундай сахнавий асарларнинг шубҳасиз, болалар тафаккурининг ривожланишида, улар қалбидан эъгу туйғуларнинг мустақкам ўрин олишида аҳамияти беқийс.

**Гавҳар АЗИЗОВА, Тошкент шаҳридаги 596-сонли мактабгача таълим муассасаси муdiri:**

— Кичиктояларимизнинг дунёқарашлари кенг, фикр доираси теран бўлиб вояга етишида улар томоша қилаётган мультфильмларнинг ўрни бекиёс. Зотан, ёш болада тақлид кучли бўлишини назарда тутсақ, улар албатта, ўзлари қизиққан сахна асари қаҳрамонларига тақлид қилишлари табиий. Болажонларнинг хатто қаҳрамонларнинг овозини ўхшатишга, ўзларининг кийимларини, юриш-туришларини уларга мослаштиришга ҳаракат қилишларини яхши биламиз. Шуларни ҳисобга олиб, уларга мультфильмларни танлашда зинҳор-базинҳор адашмаслигимиз лозим. Алоҳида таъкидлашим керак, ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларида бу масалага ғоятда жиддий ёндашилмоқда. Тарбияланувчиларимизга жадвал асосида ўзбек ва жаҳон халқ эртаклари асосида суратга олинган мультфильмларни қўйиб бераёмиз. Кино ниҳоясига етгач, уни болалар билан бирга таҳлил қиламиз. Жажжилар фильм қаҳрамонларнинг қайси хатти-ҳаракатлари тўғрию, қайси бирлари нотўғри эканлигини ўзлари тушунганларича гапириб беришади. Биз уларни тинглаб, болажонларнинг фикрларини янада тўлдириб, илиқ сўзларимиз билан рағбатлантириб борамиз.

Тан олиш керак, ота-оналар орасида болаларнинг тўс-тўполонидан безор бўлиб ёки улар кўчага чиқиб кетмасликлари учун истаган мультфильмини қўйиб бериб, тинчгина ишларини қилиб олсам, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Бу назаримизда, "қош қўяман деб, кўз чиқариш"дай гап. Ҳа, бола тарбиясидак маъсулдияти ва улуг ишда "майда ёки арзиманган" деган гап йўқ. Шундай экан, бу мавзуга доир ҳар бир ишни эринмай, эътибор ва ҳафсала билан бажарайлик. Токи эртага аттанг, деб қолмайлик.

**Нилуфар САПАЕВА, «Оила ва жамият» муҳбири.**

**ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ**

*Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнида кўр. Бу ҳол қалбингу дилингда роҳат бахш этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.*

*Ўз вақтидан кечкикиб берилаган инъом-эхсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир.*

*Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саную мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.*

*Тавба қилган киши умрининг ниҳояси (хотимаси) умрининг боши деганларидек, (яъни онадан туғилган куни каби гуноҳсиздир), унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айбли бўлмайди.*

**Аз-ЗАМАХШАРИЙ**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

**«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази**

кунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой.
- Торт олий курси — 1 ой.
- Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Гўзаллик салонига тайёрлаш — 1 ой.
- Қаштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
- Тўқувчилик — 2-3 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
- Бисер, яъни мунчоқ тикиши — 2 ой.
- Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.
- Бисердан гуллар, дарахтар ясаш — 2 ой.
- Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёти билан**  
Етоқона мавзуд.

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**  
МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.  
МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.  
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).  
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Куйлик кийим бозори рўйларсида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

## — Йўқ., бўлиши мумкин эмас. Бечоранинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ-ку...

**Махфузанинг кўзи ёрибди, аммо боласининг тоби йўқ эмиш, "тез ёрдам" билан туман туғруқхонасидан шаҳар болалар шифохонасига олиб келишибди. Эй Худо, нима бўлсаям боласи соғайиб кетсин-да. Ушани деб беғуноҳ, покиза синглим не маломатларга қолмади-я, аввал икки фарзандидан айрилгани етмасмиди? Агар бу боласиям нобуд бўлса, мен у ҳаромини бўғизлаб ташлайман, майли, қамашсин. Илоё, Худойим жазоингни берсин сендай нокасми...**

Рисолат шу ҳаёллар билан жаҳл устида ўтирганида эшик тақиллади. Чикса онаси шифохонадан келаётган экан.

— Келинг энажон, яхши келяспизми, чақалоқ тузукми, Махфузанинг ўзи қандай?

— Ўзи яхши-ю, лекин гўдакда ўзгариш йўқ. Дўхтирлар, бола туғилгунча боши қисилиб, сув йирилган, кўлимиздан келгунича ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз, дейишяпти.

— Ўтинг, дам олинг эна, ҳадеб ўйлаб сиқилаверманг, — онасини тинчлантириб тасалли берса-да, ўзи ҳам бир аҳволда эди.

— Болам бечорага бу нима кўргулик экан-а, — йиғлаб юборди она шўрлик. Фарзандларининг ичида энг мусичаи беозори шу эди.

— Йиғламанг эна, яна қон босимингиз кўтарилиб кетади. Ўша ерда чақалоқларни даволайдиган яхши дўхтир бор, Суюн ака деган. Ўзим гаплашаман, насиб этса, қўрасиз, тузалиб кетади ҳали.

— Мен боламга қуяман, болам боласига қуяди, қизим бечора чақалоқлари нобуд бўлаверганидан бир сиқим бўп қолди...

Ҳа, охириги тўрт-беш йилда бегона бир аёлнинг аралашуви тинч-хотиржам яшаётган хонадон ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Баъзида "бургага аччиқ қилиб кўрпани ёқибди" деганларидек, айримлар алам усти-

сотиб олиб берди. Бу беш қаватли уйнинг тўртинчи қаватида бўлиб, қизи Рисолатнинг дугонасига қўшни эди. Аммо...

Козим ака болалари билан кўпмак яқин бўлмагани учун бирортасининг дугона ва дўстларини танимасди ва қизиқмасди ҳам. Рисолат Ҳафизага

нани кўрганман", дея тухмат қилишгача етиб, жаҳл келса ақл кетар экан-да, узокни қўролмаган жоҳил отасига ҳатто уни "оқ" қилдиришгача эришди. Бу ҳам етмагандек, қаҳри қаттиқ ота ўз фарзандини бир қуни "Болага зор бўлсин", деб қаргаб юборди. Онаси бечора зулмкор эрнинг қилмишларидан эзилди, аламига чи-долмай "Ноҳақ қарғиш тухматларинг илоё ўзингга урсин", деди охири. Бу хўрликларга чидолмаган Махфуза ўзини анча олдириб қўйди, шу орада икки фарзандидан айрилди.

Шунча можораларнинг бошида турган ялмоғиз Лайло эса сиртига сув ҳам юқтирмас, ўзича бугунги ҳаётдан шодмасрур эди.

Ҳафизанинг айтишича, аслида унинг ўзи енгилтабиатлиги билан ном чиқарган, шунинг учун ҳам кўни-қўшнилари орқаворудан "тунги капалак"

дейишаркан...

— Эркакни ўзингга оғдириб, ушлаб туриш учун ҳамма айёрликни ишга солиш керак, бунинг учун тулки бўлиш керак, тулки, дугонажон, сиз ҳам шуларни билиб қўйинг. Сизнинг эрингизни ҳам менга ўшшаган биттаси илдириб кетмасин тагин, деб хо-холоб қулармиш Лайло.

Ҳафиза бўлса унга "Сиз ҳали ёш экансиз, опа, гулдай умрингизни отангиз тенги одам билан ўтказмай, ўз тенгингизни топсангиз бўлмасмиди", деса, у: "Менга бу одамнинг турки-таровати эмас, фақат бойлиги, пули керак. Хоҳлаганимни кийиб, хоҳлаганимни еб-



# ЖАЗО

да тузатиб бўлмас хатога йўл қўяди. Бу оиланинг эркаги негадир хотини билан муроса қилолмасди. Турмуш курганларига йигирма беш йил тўлди ҳамки, Козим ака бу оилага ўзини бегонадек тутарди. Бунинг сабаби ёлғиз ўзига аён. Балки хотини чиндан ҳам у истагандек бўлмагандир, балки у ўз феълени бошқа бировлар билан мослаштиришни хоҳламагандир.

Таасуфки, Козим ака етти фарзанддан бештасини уйли-жоили қилиб, невараларини энди бағрига олиб ўтирадиган даврда фарзанди тенги бир хонимчани топиб олди. Ҳатто шаҳарнинг бир четидан ўй ҳам

ўзининг дугониси эканлигини уларга билдирмасликни ва ҳалиги аёлга сирдош бўлиб, у ҳақдаги маълумотларни билиб беришни сўради.

Козим аканинг уйдан чиқиб кетганига тўрт йил бўлди. Такдир экан-да, у биринчи аёлига бош қўшмаган бўлмаса-да, иккинчисининг чизган чизигидан чиқмай, айтганини сўзма-сўз қилар, унинг кутқуси билан собиқ оиласига кўп ситам ва таъийқлар ўтказди.

Лайло эрига унинг аввалги хотинидан туғилган фарзандларини, айниқса қизи Махфузани ёмонлашдан қарчамасди. "Енгилтак, неча марта ҳар хил эркалар билан учрашиб юрга-

## Бўлган воқеа

ичиб юраман-да, пули тугаган қуни паттасини кўлига бериб юбораман. Уйни ҳам ўзимнинг номимга ўтказдириб олганман. Кўп эркалар манаман деган бойвачча бўлгани билан лақма бўлади. Мушукка ўзшаб бир яхшилаб силасангиз эгилиб қолади ўргилай... Хўш, менга ўшшаган бахтидан тинмаганлар нима қилсин бўлмаса, қани сиз айтинг! Нима, қадримизга ачинмайсизми? Бировга бош э-г-и-б яшагандан кўра бошқанинг эркаси бўлиб юрганим яхши-да", дебди бешбетларча.

Рисолат дугонаси Ҳафизанинг гапларини эшитиб, айниқса, отасига ичи ачиди. Шу пайтгача отасини ёмон кўриб юрарди. У хотинчанинг отаси ҳақида айтган, яъни: "Мен учун бунақа эркак ҳаётимда ягона эмас, вақти келганда, бундан бойроғи чиққанда, бунисининг думини тугиб юбораман, жуда иложи бўлмаса, чораси озгина маргимуш-да!" деганини эшитгач, отасини бу хотиннинг макридан қандай оғоҳ этиш ҳақида ўйлаб қолди. Аммо отаси унинг гапларига ишонмаслиги аниқ.

Рисолат кейинги кунларда синглисининг чақалоғи ҳаётини сақлаб қолиш учун анча елиб югурди. Худого шукур, гўдак бирмунча ўзига келиб қолди. Уларни шифохонадан чиқариб, уйига келса, телефон жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман?

— Рисолат, мен Ҳафизаман. Кеча кечаси анави хотиннинг уйи...

— Ёниб кул бўлди, дейсанми, дадам-чи, ишқилиб соғ эканми?

— Билмадим, кўшнилари-нинг айтишича, даданг бир ҳафточа аввал бош олиб чиқиб кетган экан...


Нилуфар ТУРСУНОВА,  
Қарши.

## "МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ"

### чайнкроеворди

#### САВОЛЛАР:

1. Ўзбекистондаги тоғ тизмаларидан бири.
2. Навоий ҳокимлик қилган вилоят.
3. А.Авлоний янги мактаб очган маҳалла.
4. Ўзбек видеофильми.
5. Самарқанддаги майдон.
6. Фарғона водийсидagi дарё.
7. Ишва-қарашма.
8. Шифобахш гиёҳ.
9. Қизиқчи ... Холмедов.
10. Ўзбек эстрада юлдузи — Насиба ...
11. Кўрсатиш олмоши.
12. Мабодо.
13. Озор.
14. Бир қоп ун — ичида устун.
15. Йиғитлар исми.
16. Гуручли суюқ таом.
17. «Шашмақом»нинг бири.
18. Сабот, бардош.
19. Узумнинг "ота"си.
20. Дехқончилик қуроли.
21. Қандолатчилик маҳсулоти.
22. Халқумчи тилаги.
23. Техник экин.
24. «Оқ олтин».
25. Фитратнинг пьесаси.
26. Ушбу ўсимлик донини сақлаб юрган кишига одамлар меҳр қўяди деган афсона бор.
27. Ҳамма томондан томоша қилиш мумкин бўлган тасвирий санъат тури.
28. Амир Темурга берилган "куёв" сўзининг шакли.
29. Қадимий қурол отувчи.
30. «Ўткан кунлар»даги образ.
31. Мевали дарактзор.



### Билимдонлик синови

32. Бухоро вилоятидаги туман.
33. Сўфийлик тарикатларидан бирининг ўзаги.
34. Мақбара.
35. Самарқанддаги қадимий тасвирлари билан машҳур шаҳар.
36. Мемуар асар.
37. Ўзбекистондаги вилоятлардан бири.
38. Халқ латифаси қаҳрамони.

Тузувчи ва наққош  
Валижон АБДУЛЛАЕВ,  
Наманган вилояти.

## Табиат — дорихона

### ЛАВЛАГИ ШАРБАТИ

Сабзавотлар орасида лавлагини унинг шарбати фойдалилик жиҳатидан беназир экани, қадим замонлардан маълум. Витамин ва фойдали моддаларга бой бўлган бу шарбат қувватбахш ичимликлар сирасига қиради. У инсон танасининг чидамлилик қувватини 16 фоизгача оширади. Демак, у узок вақт жисмонан фаол ҳаракатда бўладиганлар учун жуда зарур. Бунга сабаб лавлагини таркибида организмда кислород сарфини камайтирувчи, қувватни сақлаб қолиш хусусиятини оширишга кўмаклашувчи тузларнинг мавжудлигидир.

Ер юзиде бошқа ҳеч қандай махсулот бундай самара бера олмайди. Буни нафақат оддий инсонлар, балки профессионал спортчилар ҳам билиб қўйгани яхши. Чунки лавлагини шарбати "табиий дори" сифатида ҳам тан олинади. У қон босими муаммоси мавжуд кишида жисмонан фаол ҳаракатланган вақтда ҳам ёрдам бериш билан бирга, босимни ўз меъёрида сақлайди. Бу турли халдорлар ёрдамида қон босимини меъёрида ушлаб турувчи гипертониклар учун қулай, табиий воситадир. Ҳозирги вақтда ер юзи аҳолисининг 25 фоизи шу хасталикка чалинган. Қон босимининг вақти-вақти билан ошиш туриши ўз навбатида юрак қон томири тизими хасталикларининг келиб чиқиши ва юрак хуружига сабаб бўлади.

Бироқ ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби, лавлагини шарбатини кўп миқдорда ичиш ҳам зарарлидир. Агар ундан бир стакан ичсангиз, бошингиз айланади қолади. Шунинг учун бошқа сабзавот шарбатини, масалан, сабзи ёки бодринг суви қўшиб истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Г. АЗИМОВА тайёрлади.





**ЭНГ КАТТА СОВРИН**


Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган ойга-си жаҳон кубоги ўйинлари фолиби учун кўйилган пул мукофоти олти миллион долларни ташкил этиб, ўйинда "Годольфин" отхонасида боқилаётган Дубай Миллениум лакабли от фолиб бўлган эди. Чавандоз маррага икки дақиқада етиб келиб, рекорд даражадаги пул мукофотини кўлга киритган. Икки дақиқада шунча пул деб, ҳайрон қолаясизми? Гап шундаки, пойгада-



ги ҳар сония учун 30 минг доллар миқдоридан пул кўйилган. Фақат бир нарсаи ўйлаб қоласиз: мукофотга ким кўпроқ ҳақли – отми ё чавандоз?...

**ЭНГ КАТТА ЧЎЛ АНИҚЛИГИ**

Дунёдаги энг катта чўл Африка шимолидаги Сахрои Кабир эканлигини яхши биласиз. Унинг аниқ ўлчамларини ҳам билиб қўйсангиз зиён қилмас. Хуллас, бу сарҳадсиз кўринган биёбоннинг кенглиги гарбдан шарққа қараб 5150 км ва шимолдан жанубга томон 2250 км.ни ташкил этди. Уму-



мий майдони эса, 9 269 000 км. квадратга яқин. Сахронинг денгиз сатҳидан куйида жойлашган алоҳида худудлари ҳам мавжуд. Аммо, унинг маркази тоғли кенгликлардан иборат.

Қадимий шаҳарлар, энг кўп яшайдиган жонивору ўсимликлар, кекса одамлар ва ҳоказо жисм ва ҳодисалар ҳақида кўп эшитганмиз. Бироқ кекса юлдузларнинг ёши нечада экан-а? 1991 йилда америкалик Тимоти Брис бошчилигидаги астрономлар гуруҳи 70 та юлдузни Галактикадаги энг қадимий юлдузлар сирасига киритишди. Олимларнинг фикрича, бу юлдузлар катта портлашдан тахминан бир миллиард йилдан сўнг вужудга келган. Астрономлар шунга ўхшаш яна 43 та юлдузни ўрганишни режалаштирган.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

**ҚАЙНУКАМ ТУФАЙЛИ АЖРАШДИК...**

Мен асли сурхондареликман. Ҳозир пойтахтда яшаб, ишлаяпман. Бир хонали уйда ижарада тураман. Касбим механик, маълумотим ўрта-маҳсус. Топиш-тутишим анча яхши.

Ёшим 47 да. Аввалги аёлим билан қонуний никоҳдан ўтишга улгурмадик. Раҳматли қайнотам жуда яхши инсон эди. Менга кўп яхшиликлари текканди. Хотинимни ҳам ёмон аёл эди, дея олмайман. Фақат, шу қайнукам ичкиликка ўта ружу кўйган, борбудини, ҳатто уйини ҳам арзон-гаровга сотиб ичиб юборгани алам қиларди. Бир куни мен ишга, хотиним эса отасиникига меҳмонга кетган эди. Қайнукам опасига "Қўшилларингиз кўнги-роқ қилишяпти, уйингизнинг томидан сув ўтаётган экан," деб алдаб, уйимизнинг калитини олибди. Меннинг яхши ният билан жамғариб юрган каттагина пулимни ўғирлаб кетибди. Бу воқеадан хабар топганимдан сўнг, ғазабим қайнаб кетди. Уша кун уни топиб, алам устида анча дўппосладим. У уйига ҳамма жойи кўкариб, қизариб кириб боргач, қайнонам ҳам шуни баҳона қилиб қизини менадан ажратиб олди.

Бироз ховурларидан тушишгач, кечирешар деб ўйлагандим. Аммо бундай бўлмади. Фарзандимиз туғилгач, ФХДга ариза бериб кўйган эдик. Тасдиқлаш мuddати келгач, қайнонамнинг гапи билан хотиним никоҳдан ўтишдан бош тортиди. Қайнотам тўйимиздан кейин вафот этганди. Шу орада бир неча бор хотинимни олиб кетгани бордим, орага одам ҳам кўйдим. Фойдаси бўлмади.

Шу-шу икки йилдан буён ёлғиз яшаяпман. Олдинги турмушимни тиклашимга кўзим етмаганлиги сабабли, қайта оила қуришга қарор қилдим. Аёлсиз, фарзандсиз уй жуда хувиллаб қолар экан. Гоҳида уйга киргим ҳам келмайди. Сени оstonада кутиб оладиган, меҳр берадиган инсон бўлмагандан кейин... 45 ёшгача бўлган, фарзандли бўлса, ҳам одобли, хушмуомала аёл чиқса,

кўлимдан келганича бахтли қилишга ҳаракат қилардим.

**ЖўРАБЕК,**  
Тошкент шаҳри.

**ФАРЗАНДИМГА ОНА КЕРАК**

— Рафиқамнинг оламдан ўтганига мана 3 йилдан ошди, — дейди бўлими-

меҳрибон, самимий аёл топилишига умид қиламан.

**БАҲОДИР ака,**  
Тошкент вилояти.

**ФАЛАТИ ҚЎНФИРОҚ**

— Алло, "Оила ва жамият" газетаси-ми?

— Худди шундай, эшитамиз сизни.

— "Бахтли бўлинг" рукнида эълон қилинаётган кишилар тақдири мениям қизиқтиради. Нима десам экан...

— Бемалол тортинмай гапир-веринг. Агар улардан бирортаси сизни қизиқтириб қолган бўлса, ҳужжатларингизни тахририятимизга олиб келсангиз, телефон рақамларини беришимиз мумкин.

— Агар малол келмаса, айтилган ҳужжатларсиз 40 ёшгача бўлган эркакларнинг телефон рақамларини менга беролмасизми?

— Тушунмадик, сиз нима қилмоқчисиз ўзи? Умр йўлдошингиз борми?

— Бор дейишга уяламан. Ундан кўра йўғи яхшийд.

— Нега ундай дейсиз?

— Тўғриси айтимай сизга, эрим гирт бекорчи, ҳеч қаерда ишламайди. Имкони бўлса менинг топган пулимга яшамоқчи. Устига устак ичкиликка берилган. Ҳар куни уйимизда жанжал-тўполон. Уч ёшли ўғлим бор, унинг ҳам юраги зада. Кўрқанидан ухлолмайди. Уйимдагилар яшолмасанг, ҳозирданок судга ариза бер, дейишяпти. Мен эса... аввал бирон яхши инсон топилса, кейин ажрасарман дегандим. Нима деб маслаҳат берасиз менга, нима қилсам экан-а?

Тўғриси, аро йўлда турган бу жувоннинг жумбоқли саволига қандай жавоб беришни билмадик...



**Бахтли бўлинг!**

мизга

ўз бахтини излаб келган Баҳодир ака.

Ёшим 62 да. Кўп йиллар қурилиш ташкилотида муҳандис бўлиб ишлаганман. Ҳозир эса нафақадаман. Икки нафар фарзандим бор. Қизимни узатганман. Ўғлим ҳали 12 ёшда. Ўйлаб қарасам, фарзандимга оналик меҳри керак экан.

Бундан илгари қариндошларим бир-икки аёл билан учраштиришди. Уларнинг ҳам ҳали вояга етмаган фарзандлари бор экан. Уйимга келиб яшашга кўнишмади.

Газетангиз орқали Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида яшовчи, фарзандларимни ўз боласидек кўра оладиган,

**ТАХРИРИЯТДАН:**

"Бахтли бўлинг" рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини тақдирини талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**


**ТИШЛАР ПАРВАРИШИ**

Ўрганганинг ўзингга

Тишлар инсонга нафақат хусн, балки унинг соғломлигида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айтилик, соғлом инсоннинг тишлари дурдек оппоқ, касалланмаган бўлади. Уларнинг соғлом ва чиройли кўринишга эга бўлиши эса аввало ўзимизга боғлиқ. Қуйида тишларни мустаҳкам ҳамда жилокор бўлишига хизмат қилувчи бир неча муолажаларни тавсия этамиз.

■ Тишларни оқартириш учун уларни лимон пўсти билан ишқалаш лозим. Бироқ бунга меъеридан ошириб юборсангиз, тиш эмалини юқлаштириб қўйиши мумкин.

■ Милклар шамоллаганда, исирик,



момоқаймоқ дамламаси билан чайилса, яхши наф беради. Кунда 3-4 маҳал қилинган муолажа фойдали.

■ Тишларда пайдо бўлган тошни йўқотишда ялғиз дамламаси жуда фойдалидир. Ушбу муолажа ҳар куни ётиш-



дан олдин қилингани маъқул.

■ Тишлар оғриётган бўлса, илиқ сувга бир чимдим туз, бир оз сода ҳамда 5-6 томчи йод томизиб, ушбу аралашма билан тишлар чайилса, самараси яхши бўлади.

■ Тишларни оқартириш учун овқатдан кейин 2 ош қошиқ сода эритмаси билан тиш эмалини артиш лозим.

■ Оғиздаги нохуш ҳидни йўқотишга эман дарахти пўстлоғи ҳамда мейче-чак дамламаси билан фарғара қилинса, самарали натижа беради.

■ Тишларингизнинг узок вақт соғлом бўлишини истасангиз, энг оддий усулдан фойдаланинг. Ҳар куни бир маҳал кўрсаткич бармоғингизни ювиб, тепа ва пастки милкларни уқаланг.

■ Оғриётган тишга саримсоқ пийёз эзиб қўйилса, оғрик қолади. Ушбу муолажани фақат тиш оғриётганда қилган маъқул.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**  
тайёрлади.

**ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР**

■ Пироглар ва хамирдан тайёрланадиган бошқа маҳсулотлар яхши ишииб чиқиши учун уларга солинадиган ун албатта эланиши шарт.

■ Гулқарам пишгач, қордек оппоқ туз олишини хоҳласангиз қайнатишдан олдин 5 дақиқа давомида лимон шарбати қўшилган сувга солиб қўйинг.

■ Сабзавотларни баланд оловда қовурганингиз маъқул. Шунда сабзавотларнинг сели чиқиб кетмайди ва ўз таъминини с а қ л а б қолади.

■ Сутни қайнатаётганингизда озроқ шакар солсангиз қайнаш мuddати тезлашади.

■ Нўхатни илиқ сувда ивитиб қўйиш лозим. Агар у янада юмшоқ бўлишини истасангиз, чой қошиқ учидан истеъмол содасини қўшиб ивинг.

■ Агар тухумда ёриқлар пайдо бўлган бўлса, уни тузли сувда қайнатган маъқул.

■ Майонезли салатларга озгина лимон бўлаги қўшсангиз жуда мазали бўлади.

**Гулноза БОБОЕВА** тайёрлади.

# ТИЛ СУЯКСИЗ... ДИЛ-ЧИ?

Таассуф

“Дунё Яратгувчининг биргина “Бўл!” деган сўзидан яралган экан. Сўзнинг сеҳрли қудрати бор, сўзлаганда сергак бўл!” деб тез-тез такроқлайди бувим. Бу гапларни авваллари насиҳатгўйликка йўйиб, кўпам эътибор бермасдим. Сўнгги кунларда содир бўлган воқеалар бувимнинг гапларини мулоҳаза қилишга ундади.

...Кўшимизнинг ширингина қизалоғи бор. Икки ёшга кириб улгурмаган гўдакнинг тили эрта чикди. Бирам бийрон, тинглаб тўймайсиз. Кечагина қизалоққа сўкишни ўргатаётганларига гувоҳ бўлдим. Кўзим билан кўрмаганимда ишонмасдим, айтсам, балки сиз ҳам ёқа ушларсиз. Қизчага “беминнат” устозлик қилаётган шахс – унинг меҳрибон бувиси эди. Маҳалламизнинг обрўли аёлларидан бўлган, узоқ йиллар мактабда дарс бериб, нафақага чиққан ўқитувчидан буни кутиш...



Бир ҳафтача муқаддам автобусда 40–45 ёшлардаги бир кишининг телефонида мулоқоти беҳосдан қўлуғимга чалинди. Йўқ, беҳосдан эмас. Бу суҳбат бутун автобус салонига баралла эшитилиб турарди. Хуллас, шунча одам гувоҳлигида кимнидир балинд овозда болохонадор қилиб сўккан бу кимса телефондаги алоқани узғач, ҳеч нима бўлмагандек йўловчиларга беҳихолат қаради. Бисотидаги бу “нодир” сўзлар гўё унга тегишли эмасдек...

Яқинда тоғ бағрида дам олишни ниёт қилиб йўлга отланган бир гуруҳ ёшлар даврасига тушиб қолдим. Улар аввалгига эътиборимни тортмади. Юқори пардадаги овозлар, ҳаддан ташқари эркин хатти-ҳаракатлар уларни кузатишимга сабабчи бўлди. Саёҳатчиларнинг суҳбати бошдан-оёқ ҳақоратга қоришиқ бўлиб, бир қарашда улар ниманидир талашиб-тортишаётгандир, деган фикр уйғотибди кишида. Яхшилаб разм солсангиз, унинг одатдаги давра суҳбати

эканлигини, дўстона оҳангда янграётган сўкинишлардан эса ҳеч ким ҳаф эмаслигини англайсиз. Ёмон томони, жамоат жойида ҳақоратдан иборат гурунгу кўпчиликка эшитилиб турса-да, ёши катталар ҳам бунга шунчаки томошабин бўлиб ўтирарди...

Факультетимизда футбол мусобақаси ташкил қилинди. Талабалар фаол қатнашишди. Биз, қизлар ҳам гуруҳдошларимиз иштирокидаги бир ўйинни томоша қилдик. Аммо майдондаги сўз ўйинлари бизни хижолат қила бошлади. Футболчиларимизнинг оёқлари тўп тепса, тиллари сўз “тепарди”. “Урса эти, сўкса бети қотади”, дейди доно халқимиз. Қарасам, кулоқларим “қотиб” борапти. Мусобақа бошидаги қизариб эшитган сўзларимизни кейинчалик анча беларво эшитдик. Яхшиямки ўйин охиради...

“...Оғиз тананинг энг ҳалол аъзоси. Ёмон сўзларни тилга олиб уни ҳаром қилдинг. Оғзингни ювиб кел, луқмангни ҳам ҳаром қилма!” деб маҳалламизнинг шўх болаларига бувим тез-тез танбех берардилар. Бировга насиҳат қилиш фикридан йироқман. Аммо пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) “Ким мен билан ҳавзи кавсарнинг устида кўришмоқликни ниёт қилса, тилига эҳтиёт бўлсин. Ножойиз сўзларни сўзламасин!” деган эканлар. Биз эса тилнинг суяги йўқ, деб ўзимизни оқлашдан чарчамаймиз. Ақлимиз тилимизга суяк эмасми?

Дилроз АБРАЕВА



## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида “Toshkent open – 2012” аънавий халқаро турнири якунланди.

Бу йилги мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган теннисчилар бир ҳафта давомида яқаллик ва жуфтлик баҳсларида ўзаро куч синашди.

Яқаллик баҳслари финалида руминиялик Ирина-Камелия Бегу хорватиялик Донна Векичи 6:4, 6:4 ҳисобида енгиб, бош совринни кўлга киритди. Жуфтликлар ўртасида эса польшаллик Паула Кания ва беларуслик Полина Пекховалар голиб чиқди.

## ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР БАҲСИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва велоспорт федерацияси ҳамкорлигида веломарафон ташкил этилди.

Мусобақа қатнашчиларининг сафи йилдан-йилга янада кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2008 йилги марафонда 500 нафардан зиёд велопойгачи иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 5000 нафарга етди.

Мусобақанинг якуний босқичида ҳудудий беллашувларда уч ёш тоифасида голибликни кўлга киритган велопойгачилар тошкентлик кўнгиллир билан бирга 20 километрик масофани босиб ўтди.

Пойтахтлик Жавоҳир Олимов, нанманганлик Дилмурод Сиддиқов ва нукуслик Пана Давлатбоев ўз ёш тоифасида олтин медални кўлга киритди. Қолган ўринлар Тошкент шахри, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳаваскор велопойгачиларига насиб этди. Пойтахтлик Абдужаббор Олимов оиласи “Велопойгачилар оиласи” номинацияси голиби бўлди.

## ФУТБОЛ БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Кеча оқтом Европа китъасида катта футбол тантаналари бошланди. Ҳар кун футбол билан яшапмиз, аммо сешанба оқшомида бошланган Европа Чемпионлар лигасининг учрашувлари кўпчиликнинг диққат марказида бўлиши табиий.

Одатда, Чемпионлар лигасининг учрашувлари икки кун бўлиб ўтади, сешанба ва чоршанба кунлари.

Кеча тўртта гуруҳда ўйинлар бошланди. Биринчи турдаёқ супергранд жамоалар бир-бирларига тўқнаш келишди. «Реал» – «Манчестер Сити» ҳамда «Челси» – «Ювентус» тўқнашувлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Хуллас, энди бугунга уйқусиз тунлар бошланади.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

## ЧЕТ ЭЛЛИККА ТУРМУШГА ЧИҚСАМ...



Савол-жавоб

ОНА...

## АЛИМЕНТ ТўЛАЙДИМИ?

Кўшма корхонада бирга ишлайдиган германиялик йигит билан кўнгил боғлаб, турмуш куришга аҳд қилдик. У “Бизда оилавий аънавлар инкирозга юз тутган, бу борада сизлардаги ҳолатни кўриб ҳавас қиламан. Мен ҳам мустақкам оила соҳиби бўлмоқчиман!” дейди. Катталар билан кенгашиб, диний томонларини ҳал қилдик. Лекин масаланинг қонуний хижати қандай бўлади? Шу ҳақда мутахассислар фикрини билмоқчи эдик.

Л. Оллоберганова,  
Хоразм вилояти.

Ушбу саволга Жиззах шаҳар ФХДЭ бўлими мудир Рохат НОРКУЛОВА жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг VIII бўлими сиз айтган масалаларга бағишланган бўлиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. 234-моддага кўра, мамлакатимизда доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларни зиммасига оладилар. Бундай никоҳлар тузилганини қайд этиш, 216-моддага асосан, умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар Оила кодексининг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга мөнелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

16-моддага биноан эса, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида; туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида; лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Яккабоб туман ФХДЭ бўлимига Жийда кишлоғида яшовчи Г.Шувватова никоҳдан ажралганлиги ва вояга етмаган боласига фақат отаси алимент тўлайди, деган савол билан мурожаат қилганида куйидаги мазмунда жавоб бердик.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 97-моддасига асосан вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ва таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир. Вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари баравар.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига асосан, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота(она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади. Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ҳақида ота-она тўламаганда ва ота-онандан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онандан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида судга даъво кўзгатишга ҳақлидир.

## ФАРЗАНДЛАР ҲАМ МАЖБУР

“Ота-онам меҳнатга лаёқатсиз. Ҳозирги кунда менинг ёрдамимга муҳтож. Болалар ҳам ота-онага моддий таъминот тўлайдими?”

Б. Тожиев, 20 ёш.


Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддасига асосан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онанинг давлат ва нодавлат муассасалар қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларини ота-она ҳақида гамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини озод қилмайди.

Саволларга Яккабоб туман ФХДЭ бўлими мудир  
Машура МУҲАММАДИЕВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўлаб-қўватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нигора РАҲМОНОВА  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусахҳхилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Буюртма Г – 928. Формати А-3,  
ҳажми 2 табок. Адади – 6392. Баҳоиси кели-  
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz